XALQ DEPUTATLARI UYCHI TUMANI KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 29 - sentabr VI-57-130-6-86-K/22 Uychi tuman hokimligi

Уйчи туманида ош бериш маросимининг вақтини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган "Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандига ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ, халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги 2736-III/КҚ-592-III-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган "Тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисида"ги Низомда қуйидагилар белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

тўйлар, оилавий тантаналар, маъракa ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши;

дафн этиш ва мотам маросимлари кўпи билан уч кун мобайнида чекланмаган миқдордаги фуқаролар иштирокида ўтказилиши;

мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимида 250 нафаргача, қўшалоқ тўйлар билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300

нафаргача киши қатнашиши.

2. Уйчи туманида мазкур тадбирлар муносабати билан ош бериш маросимининг вақти бомдод намозидан сўнг бошланиши ва соат 11:00га қадар давом этиши белгилансин.

3. Карантинли ҳолатларда Республика махсус комиссияси томонидан ош бериш маросимининг вақти чекланган ёки чегараланган тақдирда ош бериш маросимининг вақти мазкур комиссия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ушбу қарор "Уйчинома" газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайти (uychi.uz)га жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Нурматов ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссияси (Жўраев) зиммасига юклансин.

Kengash raisi **Sh.Musayev**